



ИЖТИМОЙ — СИЁСИЙ ГАЗЕТА

ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ  
ЁНИБ ЯШАШ КЕРАК

# Туркистон

1925  
йилдан  
чиқа  
бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1996 йил 24 август, Шанба.  
№ 59 (14357)

## «Камолот» — ёшлар таянчи

### ЯХШИ НИЯТЛАР САРИ

Фаргона водийси республикамизнинг аҳолиси зич жойлашган хўжалиқ хўжалиқларида ҳисобланади. Аҳолининг асосий қисми эса ёшлар. Шу боис ҳам ёшларни иш билан таъминлаш, уларни ҳар томонлама ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, ушбу имкониятларини намоён этишлари учун шароитлар яратиш масаласи водий учун муҳим долзарб масала ҳисобланган. Кўни кеча Наманганда республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси Республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва Таъбиркорлар Палатаси ҳамда Германиянинг Конрад Аденауэр номли жамғарма билан ҳамкорликда

ушбу ишни бошлаган семинар кенгаши ана шу ёшлар муаммоларига қаратилди. Унда «Камолот» Жамғармаси бошқаруви раиси Х. Абдураимов, Конрад Аденауэр жамғармасининг республикамиздаги вакили жаноб Шрайбер, Германиянинг Шарк институтининг илмий ходими Т. Дореванг, Республика Ишбилармон Аёллар уюшмаси раисининг муовини Т. Саидқосимова, Наманган шаҳар ҳокимининг муовини З. Воҳидовлар иштирок этишти. Наманган вилоят ҳокимининг биринчи муовини О. Бозоров семинар иштирокчиларини қутлади. Сузга чиққан Х. Абдураимов янги ташкил этилган «Камолот»

жамғармасининг мақсад ва вазифалари, яқин келажакда амалга ошириши зарур бўлган режалар ҳақида семинар иштирокчиларига сузлаб берди. Намангандаги «Дустлик» теннис кортида янги ташкил этилган семинар кенгаши иштирокчилари Шрайбер ёшларнинг демократик жамият қуришдаги роли ва бу боралда Конрад Аденауэр жамғармаси қандай ишларни амалга ошириши зарурлиги борасида батафсил тўхтади. Шунингдек, ёшларнинг ҳуқуқлари, иш билан банд қилиш масалаларининг ечимлари, бошқарувдаги фаолиятлари, ижтимоий-иқтисодий жараёнларини тезлаштириш

ҳамда ёшлар уртасида кичик ва урта бизнесни ривожлантиришга қўмақлаштириш ҳақида қизгин суҳбатлар борди.

Семинарнинг кечаги кўни эса ушбу ҳокимнинг бошқарувида бўлиб ўтди. Аввалта семинар иштирокчилари «Сиз ва сизнинг жамоатчилик фаолиятингиз» мавзусидаги унда иштирок этиб, ушбу кўнига сингаган бўлсалар, сўнг «Матбуот ва ёшлар» мавзусидаги матбуот клубининг қизгин баҳсларида иштирок этишти. Семинар якунланди. Семинарда иштирок этган «Камолот» жамғармасининг жойлардаги вакиллари эса ушбу семинарнинг маълумотларини охириги билан тўғрисида яна баҳсларга эга бўлишти. Энгилти вазифа уларни жойларда амалга ошириш.

## Қарор ва ижро

### ҲОКИМ ЖАРИМА ТЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил иккинчи июлда қабул қилган қароридан пул эмиссияси даражасини пасайтириш прогнозларини баҳармаган туман раҳбарларини моддий масъулиятини ошириш таъқиқланган эди. Бу қарорнинг ижросини таъминлаш юзасидан Қашқадарёда амалий ишлар қилинган. Вилоят ҳокимининг қарорига қўра шу йилнинг июль ойида нақд пул эмиссияси даражасини пасайтириш прогнозларини ва касса режаларини қирим қисмини баҳармаган туман раҳбари ҳокими Ш. Бегматов, Косон тумани ҳокими О. Гулов, Мушов тумани ҳокими К. Осмонов, уларнинг иқтисодий, савдо ва пуллик хизмат соҳаси бўйича уринбосарлари ла-

возим маошининг 10-15 фоизи миқдорда мукофотланди. Аксинча, шу ойда нақд пул эмиссияси даражасини пасайтириш прогнозлари ва касса режаларини қирим қисмини баҳармаганлиги учун Қарши (Р. Жалилов), Деҳқонобод (О. Хамроев), Қашқадар (Р. Бозоров), Шаҳрисабз (Ш. Алланазаров), Чироқчи (Р. Нормуродов), Қитоб (У. Хидиров), Касби (Н. Сариков), Нишон (Х. Жониев), Баҳористон (Х. Тоқиев), У. Юсупов (Е. Гурӯҳов) туманлари ҳокимлари ва уларнинг иқтисодий, савдо ва пуллик хизмат қўрашчилари уринбосарлари уртача ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорига жаримага тортилди.

А. ТАЙПАТОВ,  
УЗА мухбири.

## Ҳамкорлик робиталари

### Талабалар мулоқоти

Тошкент Давлат Шарқшунослик институтининг япон тилини ўрганаётган талабалари туркух янги ўқув йили олдидан кун чиқар мамакатда икки ҳафта давомида тажриба ошириди. Мазкур сафар республикамиз Халқаро маданият-маърифий алоқалар миллий уюшмаси билан Япониядаги «Фукусима—Ўзбекистон» маданий-иқтисодий ҳамкорлик уюшмаси уртасидаги битим амал қилаётганининг аниқ бир мисолидир.

Талабаларимизнинг бу сафардан қўзда тутган асосий мақсади — тилни чуқур ўрганиш, японларнинг тарихи, маданияти, урф-одатлари билан танишишдан иборат эди. Лекин уларнинг олдидан маориф соҳасида ўзаро фойдали ўзбекистон—Япония ҳамкорлигини кенгайтириш, икки мамлакат жамоат ташкилотлари уртасида янада мустаҳкам алоқа ўрнатиш билан боғлиқ яна бир вазифа ҳар турар эди. Шу сабабли улар қайтиб келганларидан сўнг дастлаб миллий уюшмада туланиб, уюшма фаолларига ўз сафарлари якунлари тўғрисида сузлаб бердилар.

Шуниси диққатга сазоворки, еш ўзбекистонликлар Токио ва Фукусима шаҳарларида ўз тендошларининг — бир йил муқаддам мазкур битим доирасида ўзбекистонга келган япон талабаларининг оилаларида яшадилар. Булажак шарқшунослар ана шу шароитда япон тилини анча пухта билиб олдилар, япон халқининг анъаналари ва урф-одатларини ўргандилар.

Республикамиз вакиллари Япониянинг турли давлат ва жамоат ташкилотлари номандилари билан суҳбат чоғида ўзбекистонда ислохотлар қандай амалга оширилмаётгани тўғрисида, мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида қўлга киритган ютуқлари ҳақида сузлаб бердилар. Кенг миқёсда ҳамкорликни ривожлантиришдан иккала томон ҳам манфаатдорлиги айтилди.

Улар ўқув юртларининг ўқитувчилари билан учрашувларда мунтазам равишда бир-бирларига талабалар туркухларини юбориш имкониятларини муҳокама қилдилар. Бу талбир иккала томонга ҳам фойдали бўлади. Чунки Японияда ўзбекистонга, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий янгиланишларга қизиқиш ортиб бормоқда. Масалан, Фукусимадаги аёллар коллежида бўлиб ўтган учрашувда Шарқшунослик институти талабаларининг тажриба орттириш учун ўзқўроқ мулоқат қабул қилиш тўғрисида гапашилди. Бу икки ўқув юрти уртасидаги ҳамкорлик тўғрисида ўзқў мулоқатта мулжалланган шартнома тузиш назарда тутилмоқда.

А. ИВАНОВА, УЗА мухбири.



Бепоеён далалар, файзли далалар...

## Кўрик-танлов якунловчи босқичга кирди

Истиқлолнинг беш йиллиги арафасида республика ижтимоий ҳаёти сермазмун воқеаларга бой бўлмоқда. Шу кўнларда мустақилликимизнинг беш йиллигига бағишланган «Ўзбекистон — Ватаним маним» республика кўриқлар кўрик-танловининг якун қиливчи палласига кирди. Шу муносабат билан 22 август кўни Тошкентда «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўриқлар кўрик-танловини ўтказиш ташкил қўмитаси ва ҳаёياتи аъзолари Республика оммавий ахборот воситалари ҳодимлари учун матбуот конференцияси ўтказди. Кўрик-танловнинг биринчи босқичида туманлар сунгра эса Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ҳамда виизирликларда ўтказилган танловда 10 миңдан зиёд кўриқ тинланди. 65 кўриқ кўрик-танловнинг якун қиливчи босқичида иш-

тирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. 24-26 август кўнлари «Туркистон» саройида пойтахтимиз ҳамда вилоятлардан ташриф буюрган санъаткорлар ўз ижодини намоён этиб, кўрик-танлов голиби аниқланди. 28 август кўни «Халқлар Дустлиги» саройида якун қиливчи босқич иштирокчиларининг катта концерти ўтказилди. Матбуот конференциясида «Ўзбекистон» бош директори А. Назаров, маданият ишлари вазирининг уринбосари М. Абдуқўдиров, Республика бастакорлар уюшмаси раиси Р. Абдуллаев якун қиливчи босқичта ишларининг бориши тўғрисида гапириб, журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди. (УЗА)

## «ЎЗ ҚЎШИҒИМИЗ БОР»

Еш Алишер ҳазрат Лутфий ҳузурига узининг серматно бир байтини ўқиб, устозининг юксак олқишига сазовор бўлганда таъминан неча ёшларда эди? Майли, уйламай қўя қўлинг. Мухими бу эмас. Агар уша даврда шайриятга, санъатга, умуман маданиятга эътибор, муҳаббат бешиққа қўйиб бўлганда — бола Алишер шундай теран фикрлаб, ҳатто номдор шоирларини ҳам лол қолдирган ташбеҳ топа олармиди? Ҳамма тап ана шунда.

Биз бу саволларга бежиз тўхталмаймиз. Булар маълум бир ҳикоятлар билан мамлакатимиз мустақиллигининг беш йиллигига бағишланган «Ўзбекистон — Ватаним маним» Республика кўриқлар кўрик-танловига ҳам дахлдор. Сўр эмас, танлов давомида она Ватанимиз утмиши, буғуни ва келажак ҳақида кўриқлар кўриқлар яратилди. Санъатимиз осмонни кўриқ-танлов кўриқлари — янги ва янги юдузлар шуъласидан чарогон бўлди. Яна бир қувончли томони, болалар кўриқчилиги ҳам бир қатор мазмуни ашулар хисобига бойиди. Республика маданият ва маърифат маркази раҳбарининг биринчи муовини, Улестеррадио қўмитети ҳузурлиги «Бўлбўл» болалар ашула ва ракс дастаси бандий раҳбари, бастакор Шермат Ерматов билан суҳбатимиз асосан буғуни болалар кўриқчилиги ва унинг эртаси ҳусусида келди.

Шермат ака, аини пайтда якун қиливчи босқичга лойиқ деб топилди. Биринчиси, «Ўзбекистон она, онажон», А. Қўшимов шеъри, А. Мансуров мусикаси, иккинчиси «Мулла Мамажон» А. Обиджон шеъри, А. Назаров мусикаси ва ниҳоят учинчиси «Сўғлом авлод учун» С. Бегматов шеърига ўзим мусика басталаганим.

«Бўлбўл» фаолияти давомида жула кўч хориж дахлларга ижодий сафарларда бўлган. Туркия, Германия, Франция, Корея каби мамлакатлар шулар жум-

на қайтдан ўйотиб юборди. Аслида ҳам шундай бир турткига эҳтиёж бор эди. Баҳонада ўлаб эмас, юзлаб сара кўриқлар пайдо бўлди. Буларнинг барчаси ижодкор халқимизнинг она Ватанга бўлган садоқати, меҳр-муҳаббатининг ерқин ифодаси эмаки? Менимча бу талбир узининг беқиёс аҳамияти билан тарихимиз саҳифаларига муҳрланган қолди.

«Демак, кўриқчилигимизнинг эртасидан сира тавошулмамас ҳам бўларкан-да?..» Ташвишан асло ҳождит йўқ. Аммо жула бепарво бўлиш ҳам ярамайди. Туркухнинг қўриқчи бўлиниб, кейинги кўриқчи бўлиниб кетди. Уларнинг тақдир мусикалари кўриқ қўра туринг, кўриқчининг сузуларини тинлаб тепа сочинг тикка бўлиб кетди. Саҳна маданияти ҳақида умуман гапиринг ортқиқ. Бунақа дастлар болаларнинг диққини ўлдириб, маданиятга салбий таъбир қўриқчини муҳим. Ҳар қандай, шунақа дастлар назоратдан четга чиқиб кетмасе дуруст бўларди.

Ҳозир жойларда санъатимизга, маданиятимизга эътибор қўриқчилардан жула хурсандим. Ўзбекистон Республикаси Олий ва Урта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигининг бу боралда сайё-ҳаракатларини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Халқ таълими вазирлиги «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўриқ-танлови билан баробар «Кўриқчилик дўст маҳаб» деб номланган ўз танловини ўтказди. Бу танловга мамлакатимизда маориф низомида алоқдор барча муассасалар вакиллари иштирок этидилар. Голиблик «Бойбечка» болалар хор студиясида насиб этгани, айниқса, қувончли ҳождит. Ҳар иккала вазирлик мустақилликларини танловга желан болалар кўриқчилиги билан баробар «Кўриқчилик дўст маҳаб» деб номланган ўз танловини ўтказди. Шунақа ухшиш умидбахш мисоллар кўриқчиларининг онқид маданият, санъатимизга нисбатан янгича муносабат, янгича қарашлар шаклланиётганидан далолатдир.

Сўхбатдош:  
Сирожидин РАУФ.

## 25 август — Шахтёрлар кўни

### АЖОЙИБ ОДАМЛАР — ФАРОЙИБ ШАҲАРЛАР

«Кўмир» ҳиссасдорлик бирлашмаси бош директори  
Анатолий Посифович ПЕЛЕКО билан мулоқот

Шахтёр меҳнати ҳамма замонларда ҳам мураккаб, оғир ва хатарли ҳисобланган. Шунинг учун шахтёрлар халқда алоҳида ҳурмат-эҳтиромга эга бўлганлар. Ўзбекистоннинг деярли барча шахтёр шаҳарлари — Шарғун ҳам, Ангрэн ҳам, Бойсун ҳам ушбу хос — улар шахта ва карьерлар туфайли қад ростирилганлар. Шахтёрлар буғуни кўнларда ҳам ушбу хосликлар билан ажралиб турдилар, улар бевосита ўз касб-корларини билан, шунингдек, бир қарашда тармоқ ташвишларидан йироқ бўлган ишлар — уй-жой, коммунал-маиший объектлар, йўллар қуриш, болаларни даволаш ва вояга етказиш, мева-сабзавот етиштириш

ва бошқа юмушлар билан ҳам шуғулланмоқдалар. Лекин мустақил Ўзбекистон шахтёрлари эришган энг катта ютуқ, бу уларнинг республикамизнинг қаттиқ еқиллига бўлган эҳтиёжини тула қондириб, ташқаридан кўмир олиб келишга барҳам берганликларидир. Эндилликда аҳолини ҳам, саноатни ҳам, энергетика комплексини ҳам таъминлаш учун кўмир етарли. Шахтёрларнинг касб байрами арафасида муҳбиримиз қаттиқ еқилли қазиб олишда Урта Осиё минтақасида йироқ корхоналардан бири бўлиши «Кўмир» ҳиссасдорлик бирлашмаси бош директори А. И. ПЕЛЕКО билан суҳбатлашди.

(Давоми 3-бетда)



Қайси соҳада бўлмасин, буғунги кундаги озгина ютуқимиз — келажакда таянч бўлажакимиз! Аммо Худо кўрсатмасин-ку, зигирдек хато ҳам келуши ҳаётимизда қиматга тушибди...

рлар фаолият курсатмоқда. 1995-96 йилларда марказий институт томонидан бошланғич синф ўқитувчилари учун ун битта 12 кунлик курслар ташкил этилиб, 350 кишига «Лотин ёзувига асосланган узбек алифбоси»ни ўргатиш ҳуқуқи берилди.

Педагогика институтлари, билим юрғлари ўқув режаларига 60 соатга мулкдорланган «Лотин ёзувига асосланган узбек алифбоси» фани киритилган ва ўқитилмоқда. Жорий ўқув йилида 6 та педагогика институтларининг «Бошланғич таълим методикаси ва педагогикаси» факультетини 696 нафар, «Мақтабгача тарбия» факультетини 264 нафар, педагогика билим юрғлари бошланғич синф бўлимини 1074 нафар, мақтабгача тарбия бўлимини эса 277 нафар талаба битирди.

Халқ таълими: Янгилаштириш йўлида

ЯНГИ АСР ВОРИСЛАРИ

сонлардан куз юмиб бўлмади. Албатта бунинг узига яраша сабаблари бор. Масалан, ҳукумат томонидан белгиланган муддатта кура, мактаб кутубхонаси фондига киритилган дарсликлар жорий йилнинг 1-июлига қадар чоп этилиши ва 1 сентябргача мактабларга етказилиши ло-

зим эди. Бироқ «Ўқитувчи» нашриети шу кунга қадар 11 номдаги, жами 2 миллион 910 минг 200 нускадаги дарсликларни чоп этмади. Сабаби, маҳаллий бюджетдан дарслик учун маблағ ажратилиши амалга оширилмаган.

Айрим дарсликларнинг мазмуни ва сифати замон талабларига жавоб бермаслигини ҳам яширмаймиз. Бу Президентимиз И. А. Қаримов томонларидан ҳам ҳаққоний танқид қилинган эди.

Бундан ташқари, назарий маъноси бўлган газета ва журнал саҳифаларида ҳам янги алифбонинг ўргатиш буйича мунтазам материаллар бери-

лимин эса 277 нафар талаба битирди. Битирувчилар учун янги алифбо буйича 40 соатлик махсус курс ўқитилиши талаблар мазкур курс буйича қўшимча давлат имтиҳони топширилди.

Бундан ташқари, назарий маъноси бўлган газета ва журнал саҳифаларида ҳам янги алифбонинг ўргатиш буйича мунтазам материаллар бери-

либ боришмоқдаки, бу шубҳасиз яқин келажакда ўзининг ижобий натижаларини беради.

— Янги алифбога ўтиш муносабати билан мактабгача тарбия тизимида олиб борилаётган ишлар ҳусусида кенгаз қўйилмоқда.

Юқорида айтилган қонун ва қарорларга асосан барча мактабгача тарбия муассасалари ҳам ўз таъбирларини ишлаб чиққан.

Бунинг натижасида республикамиздаги мактабгача тарбия ходимлари мактабгача тарбия ходимлари олдига ўқув режа ва дастурлар ишлаб чиқилган. Мазкур синфларда йўналишга доир инглиз тили, банк ишлари, инфоформатика ва ташқи иқтисодий фаолият асослари, менежмент, маркетинг каби фанлар чуқур ўргатилади.

Бу фанларни ўқитиш учун мутахассислар, жойлардаги банк бошқармалари ходимлари, иқтисодий йўналишдаги олийгоҳ ўқитувчилари сабоқ берадилар.

Маълумки, 1994—1995 ўқув йилида Тошкент шаҳридаги 64 мактабнинг 10-синфи базасида «Еш банкир» деб номланган синф ташкил этилган эди.

Эндиликда мазкур мактаб банк синфлари фаолияти буйича маълум тажрибага эга, шу боис мазкур мактабнинг таърибасидан банк синфларини ташкил этишда фойдаланиш режалаштирилди.

Сўзватимизнинг охирида ижозатингиз билан барча «Туркистон» газетаси ўқувчиларини, журналистларини, Халқ таълими ходимларини Республикаимизнинг беш йиллик Мустақиллик байрами билан табриклаймиз.

Уларга тинчлик, осойишталик, барқарорлик ҳамisha ҳамроҳингиз бўлиш деган. Раҳмат.

— Мазмуни сўхбатингиз учун ташаккур! Т. АКБАРОВ



Бухоро вилояти Қоровулзор тумани «Пахтакор» жамоа ҳўжалиги пахтакорлари бу йил «Бухоро — 6 нави» гўза парваринида кўла уришган. Жамоа ҳўжалиги деҳқонлари бу йил ҳосили 25 центнердан 35 центнерга кўтаришни режалаштиришди.

Суратда: (чапдан ўнгга) бригада бошлиғи Раҳмат ХУСЕИНОВ ва раис ўринбосари Маҳмуд ХУСЕИНОВлар. Х. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

Ватандош мактуби ЭРК БАЙРАМИ ҚўТЛУГ БўЛСИН!

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим! Ватан ҳақида, унинг меҳри тугилиги ҳақида муҳожиргина, ундан узоқ юрган оламгина кўпроқ тасаввурга эга бўлади. Инсон учун ўз она тупроғидан, киндик қони тўқилган юртдан олиб яшамасликдан ўзга фожиа йўқ.

Халқимизнинг қудалин истибод қилганини ўзили, биз муҳожирлар дунё харитасидан Ватанимизни — оғоз ва ҳур Ўзбекистонимизни бошқатдан топдик, қайтадан кашф этдик.

МУҲАММАЛ МОСУД МОВЛОВИЙ ҲОМИД УҒЛИ.

БЕНАЗИР ТИМСОЛ

Юқсак маънавияти, ҳукмдорлик салоҳияти, олиму фузалогити билан жаҳонда довруқ таратган тарихий шахслар бениҳоя кўп. Улар орасида бир улуг зот борки, у Ватанимиз тарихида алоҳида, ўзига хос ўрин тутади.

Чет юртда мусофир яшаб Ватан ишқи ила улмаган, Ўзбекистоннинг ҳақиқий фарандиси, арабистонлик

Қуни кеча Ўзбекистон муслмонлари идораси, Республика маънавияти ва маърифати жамоатчилиги маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари буйича қўмита ва халқаро ислом таълиқот маркази «Амир Темур ва маънавият» мавзусида илмий-амалий анжуман утказдилар.

Илмий анжумани Ўзбекистон муслмонлари идораси раиси муфтий М. Абдуллаев кириш сўзи билан очди.

Газета таҳлавларини варақлаганда ёҳуд бундан беш йил муқаддам

ТАҲЛИКАЛИ КУНЛАР

Бундан рошпа-роса беш йил муқаддам, яъни газетамизнинг 1991 йил 21 август сони «Таҳлика» 72 соат ортда қолди» деган умумий сарлавҳа остида чоп этилган эди.

Фавқуллода ҳолат давлат қўмитаси (ГКЧП) деб аталмиш давлат тунтариши, айтинч мункики, барчани, бутун дунёни таҳликага солиб қўйди. Неҳчукки, атак-чекчак қилиб бўлса-да демократиялаш оқини бошланган қадимдан оқидилан қўйилган бир пайтда чуқур жарилик, у ери яна тоталитар утузумга олиб борувчи «равон ва текис» йўл пайдо бўлган эди.

Кўнлар келиб «Амир Темур утган йўллар буйлаб» илмий экспедицияси тарихнинг олтин зарварларига битилушди. У йўллар буйлаб келажакда бола-лар юрар... Ушанда эзуликнинг илк қадиргоҳи бўлган бу кўнлар ҳақида туқилганимиз кимлардир сўзлар...

Илк қадим ташланди. Экспедициянинг кейинги иккинчи, учинчи... юзичи сафарлари олдинда.

Дарҳақиқат, шундай бўлмоқда. Экспедиция яқинда бешинчи сафардан қайтиб келди. Аммо уша кўнлар... 21 август сонимизда бежизга ушбу сатрларни битмаган эдик.

МУҲАММАД ЗАЙНИДДИН



«Туркистон»ни севиб ўқийман

Сиз севаган қўшиқ «КўНГЛИ ДАРЁЛИКДА ЗАРАФШОН ЭЛИМ!»

Хурмати таҳририят! Инсон дунёга келар экан, илк бор муқаддас Она нилоси бўлиши Алгани тинглайди. Мана шу Ҳаёт қўшиғи инсон қалбидаги нозик туйғуларни уйғунлаштириб, эзулик сари ундайди.

Узбекистонда хизмат курсатган санъаткор Юлдуз Усмонованинг муҳаббат бобидида қалб нидолари кириб бормаган ҳонадон йўқ бўлса керак Ўзбекистонда.

Ватан туйғуси севишли санъаткоримиз қўшиқларида жо бўлганки, қўшиқни тинлаган одам юрагида Ватанга бўлган муҳаббати янада ортади. Азиз таҳририят, Юлдуз Усмонованинг шу руқшати «Элим» деб номланган қўшиғи кўнчиликка маълум ва машҳур. Сизлардан илтимос, мана шу қўшиқ муаллифи ҳақида маълумот берсангиз, ҳамда унинг матнини тўлиқ чоп этсангизлар.

Анабиби ДАВЛЕТОВА, Эллиқалъа тумани.

ТАҲРИРИЯТДАН: Азиз муштарий. Хонада Юлдуз Усмонова иккунга «Элим» қўшиғи ҳар бир қўшиқ шинавадасининг юрагидан жой олган шубҳасиз. Чунки бу қўшиқ инсонни элга, юртга, халқига муҳаббатли бўлишга ундайди. Илтимосингизга кўра, «Элим» шеърининг муаллифи ҳақида қисқа маълумот бермоқчимиз. Бу қўшиқ матнини Сайёра Тўйчиева ёзган.

Малика ДАМИНОВА.

Таҳририятга хат келди ҲАҚИМИЗНИ КИМ ТўЛАЙДИ?

Биз Қарши педагогика билим юртининг «Бошланғич синф ўқитувчилари тайёрлаш» бўлими талабалари сизга мактуб йўллаганимизда ушар чорамиз қолмади. Утган йили пахта йиғим-терими мавсумида Усмонов Юсуфов туманининг 21- «Тошкент» жамоа ширкат ҳўжалигида пахта тердик. Қўшиқ суратда ердамчилар ва ўқув юрғлари орасида биринчи ўринни олиб, бир неча марта муқофотлар ҳам олдик.


Орадан шунча вақт ўтганига қарамай бизга ҳақ тўлашни хоҳладик. Қайси юз билан бизнинг бу йил ҳам ердамчи қачирлар экан. Шу масалда бизга ердам берсангиз деб, билим юрти талабалари номидан: М. МУРОДОВ, М. ТУРСУНОВА, М. ХОЛМУРОДОВА, Н. ЯНГИБОВЕВ ва бошқалар.

Муштарий танқид қилади ДАРДИМИЗНИ КИМ ТИНГЛАЙДИ?

Қишлоғимизда аҳвол яхши эмас. Бу ердаги муаммолар ҳақида тумани раҳбарларига қилган арзларимиз фойдаланган бўлмаса ҳам, «Туркистон» газетасида ҳам гаплашсак фойдадан ҳоли бўлмас.

Хайрият баҳор, мана эҳ ҳам келди. Ариқда сув оқа бошлади. Энди ариқ сувини тиндириб ичаремиз. Болаларимиз ҳали у, ҳали бу касалга чалинди қанга бўлимоқда. Наҳора... Турни, жамоа ҳўжалигимизда сув олиб келадиган бир донаги трактор бор. 15-20 кунда бир келиб боқаларни тулашиб қолди. Етмай қолмасин деб югуриб, навбат талашиб қўшиқ билан «уришиб» ҳам оламиз. «Табирқорлар» эса жонбозлик курсатмоқдалар.

# 25 АВГУСТ — ШАХТЁРЛАР КУНИ



**АЖОЙИБ ОДАМЛАР —  
ҒАРОЙИБ ШАҲАРЛАР**  
**«Кўмир» ҳиссадорлик бирлашмаси**  
**БОШ ДИРЕКТОРИ**  
**АНАТОЛИЙ ИОСИФОВИЧ ЛЕЛЕКО**  
**БИЛАН МУЛОҚОТ**

— Анатолий Иосифович, *Ўзбекистон шахтёрлари ўз касб байрамларини қандай қутиб олмақдалар, бу гаги байрамнинг ўзига хос қандай жиҳатлари бор?*

— Энг аввало, биз ўз касб байрамимизни давлатимиз мустақиллигининг беш йиллиги бугунга қадар қутиб олаётганимизни таъкидлашни истардим. Бизни қувонтиргани шуки, ҳозирги вазиятда Ўзбекистон шахтёрлари олдидан турган вазифалар тула ҳажмда бажарилаётган. Биз бошқа мамлакатлардан кумир олишга бутунлай чек қўйдик. Эндиликда бизнинг ўзимиз қўшни Ҳамдустлик мамлакатлари — Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркменистонга кумир сотиш имконига эга бўлдик. Ва айтишим мумкинки, биз ўз байрамимизни юксак меҳнат қутаринчилигига эришган ҳолда қутиб олмақдамиз. Ҳамдустлик мамлакатлари булган Россия, Украина, Қозоғистон шахтёрлари ўз меҳнатларига бепанасдан муносабатда бўлинадиганлигидан норози булган бир пайтда, биз ҳукуматимиз ва Президентимизнинг гамхурликларини муттасил ҳис қилиб турибмиз.

Муҳими, бизнинг ижтимоий муаммоларимиз бошқа кўпгина мамлакатлардаги қараганда яхшироқ ҳал қилинмоқда. Гарчанд турмуш кечиришнинг қимматлашганлиги боис иш ҳақи даражасида юқори даражага эришилмаган бўлса-да, меҳнатимиз муносиб тақдирланганлигини таъкидлаш лозим. Ва бошқа айрим мамлакатлардагидан фарқли улароқ улар ўз маошларини ўз вақтида олмақдалар.

— *Ўзбекистон шахтёрлари олдидан, албатта, улкан вазифалар ҳам турибди.*

— Биз ўз келажакимизни яққол кўрмоқдамиз. Бу шундан либоратки, республика кумир тармоғини қайта жиҳозлаш юзасидан ишлаб чиқилган лойиҳа хусусан муҳандис-техник ходимлардан катта эътибор ва юксак ёндошувни талаб этади. Биз ўз ички захирамиз ҳисобидан шахта ва разрезлардаги, автомобил ва темир йул транспортдаги маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскирган асбоб-ускуналарни алмаштириш учун маблағ қилириб топишимиз лозим. Бироқ бу ишларни молиявий органлар, энг аввало банкларнинг ёрдамисиз амалга ошириш қийин. Банклар бу масалада бизни қўллаб-қувватлашларини ва зарур булган асбоб-ускуналарни сотиб олишимиз учун узоқ муддатли кредит ажратишларини истардим. Сир эмаски, биз илгари 92 фоиз моддий-техник ресурслар ва асбоб-ускуналарни Россия, Украина ва Белоруссиядан олар эдик. Бутун бу рақам 81 фоизни ташкил этади. Аммо шундай асбоб-ускуналар ҳам борки, улар республикамизда йўқ — асосан Россия ва Украинада ишлаб чиқариладиган 15-20 куб ҳажмли экскаваторлар, қудратли бульдозерлар, шахта автоматикаси, техника хавфсизлиги буйича прибор ва асбоб-ускуналарни ҳамон четдан олиб келишга мажбуримиз. Ушбу жиҳозларни сотиб олиш учун эса катта маблағлар керак булади.

Умид қиламизки, биз 1996-97 йиллардан бошлаб 2001 йилда туталашни режалаштирган тармоқни техник қайта жиҳозлаш бизга ишлаб чиқариш қувватларини кутариш, ёқилги қазиб олишни кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш ва истеъмолчига, аиниқса аҳолига сотиладиган кумирни тўдан узғаришига имкон беради.

Республикамизда маиший секторни газлаштириш қан-

дай суръатлар билан бораётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Биз бу йўналишда юксак сарҳадларни забт этмоқдамиз ва табиийки, кумир қўлайлиги ва нархига қўра газ билан рақобатлаша олмайдим. Гарчанд бу йил кумир нархини деярли оширмаган бўлса-да, аҳолининг талаби тобора камайиб бораётган.

Уйлайманки, доимий, демакки, ишончли истеъмолчинини топиш учун энг аввало уни аҳолига етказиб бериш қанчага тушишини уйлаш керак, токи у шахсий фойдаланиш учун қўлай ва арзон бўлсин.

Шунингдек, кумиримизни яқин қўшниларимиз — Марказий Осиё республикаларига сотишни ҳам уйлаб

бу авваламбор тармоқни техник қайта қуришга қаратилгандир. Техник қайта жиҳозлаш учун узоқ муддатли кредит ажратиш буйича Американинг «Сити — банк» и билан контрактни имзолаш арасидамиз — Германиянинг «Даб-Бауцен» фирмаси билан Ангренда дастлабки оқилни бойитиш фабрикаси қурилиши буйича шартнома имзоланди.

Швейцариянинг «Мабетекс» фирмаси билан тузган шартномага қўра иккиламчи оқилни бойитиш буйича майдалайдиган фабрика кўрмоқдамиз, унга ҳозирнинг узида қарийб 300 миллион сум сарфланди. Уйлайманки, келгуси йили уни ишта туширишга эришамиз.

корхона сибирликларни полдиз маҳсулотлари ва мевасабзавот билан таъминламоқда. Сибирдан эса Ўзбекистонга ёғоч материаллар келтириляпти.

— *Кейинги вақтларда Ангрен разрезини реконструкция қилиш тўғрисида кўп гапириляпти, айримлар Ўзбекистоннинг ўн йиллаб ва юз йиллаб энергетик мустақиллиги негизини шундан деб билмоқдалар. Бу йўналишда қандай ишлар амалга ошириляпти?*

— Реконструкция буйича техник лойиҳалар ишлаб чиқилди ва синаб қурилди ҳам. Биз Россия, Украина, Қозоғистон олимларининг эксперт хулосаларини олдик. Германиянинг «Крупп» фирмаси бизнинг лойиҳамизни урганиб чиқиб, уни такомиллаштириш таклифини киритди.

1996 йил — бу энг аввало техник янгиланиш ва техник қайта қуришда қўзда тутилган янги технологияларни жорий қилиш йилидир. Қисман биз ускуналарни алмаштиришни бошлаб юбордик. Яқинда Санкт-Петербургдаги Ижорск заводидан қудратли экскаватор олдик, пармалаш техникаси, фойдали қазилмаларнинг юзасини очиш ишлари учун агрегатлар келиш арасидан, Белоруссиядан 75-100 тонналик қудратли «БелАЗ»лар етиб келди. Булар тармоғимизда техник қайта жиҳозлаш юзасидан амалга ошириляётган ишларнинг дебчаси, биринчи қадамлардир.

— *Ангрен кўмирчилари ўз касб байрамларини шахар юбилейи билан бирга қутиб олмақдалар.*

— Тўғри айтасиз, ўзбек утхонаси (Ангренни шундай атайдилар) узининг 50 йиллигини нишонламоқда. Урушдан кейинги оғир йилларда бунёд булган бу шахар, Шахта ва разрезлар ҳалдан ташқари қийинчилик билан қурилган эди. Шахтёрлик чуқичи ва вагонеткалар асосий ускуна булган, қазилган кумирларни замбилгалтақдан эр юзасига олиб чиқилар эди. Булар уша даврнинг мавжуд механизацияси ва кумирни шу йул билангина қазиб олинарди. Ва биз уша давр оғирчиликларини бошдан кечирган матонатли кишилар олдидан доимо таъзимдамиз. Чунки «Ангрен» разрез, 9-шахта уша пайтларда ҳам энг илғорлар қаторида тилга олинарди. Ҳозир ҳам олдимизга келиб, кон ҳужалигини қандай бошқараётганимиз, ер ости ва юзасида қандай ишлаётганимизни урганиб кетишарди.

Утирилишига қарши кураш буйича қўра чора-тадбирларимиз бугун эталон даражасига кутарилиди. Қўллаб қончилар учун бизнинг сейсмалогик жиҳатдан хатарли зонада амалга ошираётган ишларимиз ҳайрат уйғотмоқда. Эллик йил мобайнида Ангренда тулланган тажриба, илмий ишланмалар, муволағасиз айтишим мумкинки, нафақат республикамизда, шунингдек яқин ва олис хорижда ҳам кенг қўлланоқда. Бизнинг усулларимиз Европада ҳам, Осиёда ҳам тан олинмоқда. «Ангрен» разрезидан туққизинчи шахта борлигини бутун дунё билди. Бойсун шахтаси ва Шарғун штольни (горизонтал ёки қияроқ қавланган ер ости йули) ҳам шу қадар маълум машҳур.

— *Шахтёрлар шухрати ва жасорати ҳақида гапираётиб, одамларни эсламаслик мумкин эмас...*

— Аввало бор ўз ҳаётининг учдан бир қисмини ер остида утказётган кишиларни байрам билан қўтламоқчиман. Мураккаб ва оғир меҳнатингиз учун катта раҳмат, азиз шахтёрлар — кон казувчи ва проходчилар! «Ангрен разрез» экскаваторчилари ва 9-шахтанинг Ежков ва Тоштемуров, «Шарғун» шахтасидан Норбоев бошлиқ проходчилар бригадалари меҳнатларини таъкидлашни истардим. Қўпчиликнинг номларини айтишим мумкин, бироқ биргина фамилияларни санашнинг ўзи нотўғри булар эди. Бутун «Кумир» ҳиссадорлик бирлашмасида чиндан ҳам шахтёрлик меҳнатига содиқ инсонлар ишлаётган. Улар ўз ишларини ҳалоллик ва виждонан бажаратгандиклари учун мен уларга ташаккур билдираман.

Касб байрамимизни нишонлар эканмиз, мен кумир ишида меҳнат қилаётган барча-барчага, нафақат шахтёрларга, уларнинг оилаларига, шунингдек, биз ёқилги билан таъминлаётган истеъмолчиларимизга сиҳат-саломатлик тилаймиз. Ва ишонтириб айтаманки, мамлакатимиз шахтёрлари бундан буюн ҳам виждонан ишлаб, ишлаб чиқариш қувватларини ошира борадилар, аҳолини ва халқ ҳужалигининг қаттиқ ёқилгига булган эҳтижини қондира берадилар.

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз дустлар!

**КАСБ БАЙРАМИНГИЗ БИЛАН,**  
«Кўмир» ҳиссадорлик бирлашмаси бошқаруви ва тармоқ касаба уюшмалари Марказий Кўмитаси Ўзбекистоннинг барча шахтёрларини касб байрами — **Шахтёрлар кун** и билан қизғин табриқлайди.  
Ҳар бирингизга тинчлик-хотиржамлик, соғлиқ ва бахт-саодат тилаймиз, ўзингизга ва оила аъзоларингизга омад қулиб боқсин. Сизларга ҳаминша меҳнат ва ижодий муваффақиятлар ёр бўлсин, чунки сизлар эришган ютуқлар охир оқибада буюк келажакка интиляётган мустақил Ватанимиз — Ўзбекистон Республикасининг бундан буюн ҳам гуллаб-яшнаши демакдир.

**ШАХТЁРЛАР!**

қуриш керак. Бусиз биз яшолмаймиз, чунки темир йул тарифлари йироқ қўшниларимизга етказиб беришга имкон бермайди. Гарчанд Россия, қисман Свердловск вилояти кумиримизни сотиб олаётган бўлса-да, аммо бу бизга ҳам, уларга ҳам қимматга тушаётган. Техник қайта жиҳозлаш мақсадида олган кредитларимизни тулаш учун қаттиқ ёқилгимизни айнан яқин қўшниларимизга сотган маъқул.

— *Қийинчиликларга қарамай «Кўмир» ҳиссадорлик бирлашмаси ижтимоий соҳалар — болалар боғчаси, поликлиникаларни таъминлашдан воз кечмаяпти, уй-жой қуришни тўхтатмаяпти. Бошқа қўллаб қорхоналар аллақачонлар топ ташлаб «ўтириб қолган» бир пайтда, сизлар, чамаси ижтимоий масалаларни ҳал қилиш суръатларини сусайтиришни уйламаяпсизлар ҳам?*

— Яқинда Ангренда биринчи маблағимиз ҳисобига жиҳозланган медресачаст ва поликлиникани ўз балансимизга олдик. Улар замонавий тиббий апаратуралар билан тула таъминланган. Энди биз бу муассасаларни юксак даражада хизмат курсата оладиган ҳолга келтирмоқчимиз, токи шахтёрлар нафақат даволанишлари, шу билан бирга касб касалликларининг олдини олишлари ҳам мумкин бўлсин.

Шахтёрларимизда турар-жой ташвиши йўқлигини таъкидламоқчиман. Гарчанд бизда навбат қутишлар бўлмаса ҳам, қурилишни давом эттирмоқдамиз. Утган йили Ангрен ва Шарғунда фақат хусусий секторда 1200 шахтёр ўз шахсий уйларига эга бўдилар. Биз кредит ва материаллар билан ёрдам берамиз, қурилиш бошланган жойларда муҳандислик коммуникацияларини тайёр-

Оқилни майдалаш буйича тажриба ускунаси ва уни қисман бойитиш ишлари бошлаб юборилди. Сиз албатта Тошкентда сирти оқ ва қизил гишлар билан қопланган уйлари қўргансиз. Худди шу гишлар бизнинг майдалаш фабрикамиз маҳсулотларидир. Оқидан ажойиб қурилиш материаллари олинади, улар фақат Тошкентни эмас, республикамизнинг бошқа шахарларини ҳам бежайди.

Ҳозир оқил олиш учун зарур булган хом ашё танархини камайитириш ва маҳсулотларимизни Тошкент ва Ангрендан Нукус, Фарғона, Андижон ҳамда бошқа шахарларга етказиш учун олинандиган хакни камайитириш юзасидан темирйулчилар билан келишиб олиш вазифаси турибди.

Поляклар билан вагонлар — самосвал ва темирйул цистерналарини таъмирлаш буйича қўшма корхона тузишимиз, 1998 йилдан эса Польшанинг «Зеленатутта» заводи билан биргаликда темирйул қўйма цистерналарини ишлаб чиқара бошлаймиз.

Чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг бошқа лойиҳаларини ҳам ишлаб чиқмоқдамиз. Айтишим лозимки, ажнабий инвесторлар, аиниқса европаликлар бизнинг кумир тармоғимизга, энг аввало унинг комплекс узлаштирилишига катта эътибор қаратмоқдалар.

— *Кўмирчилар ҳаракатдаги қўшма корхоналари билан фахрлана оладиларми?*

— Албатта. Улардан бири «Регион кумир» булиб, у красноярскик шериклар билан тузилгандир. Қўшма

## «КЎМИР» ҳиссадорлик бирлашмаси

Марказий Осиёда қаттиқ ёқилги ишлаб чиқарувчи йирик ташкилотдир.

### «Ўзбеккўмир» фирмаси

Ўзбекистон Республикасининг барча минтақаларида жойлашган вилоят улгуржи-чакана ёқилги билан савдо қилувчи корхоналар омборлари барча турдаги кўмирларни, шунингдек, кўмир брикетларини унчалик қиммат бўлмаган келишилган нархларда сотади

### Тўловлар шакли — турлича

Саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларига айирбошлаш ҳам мумкин.

БОГЛАНИШ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:

- Нукус шаҳрида 3-26-11
- Андижон шаҳрида 4-33-58, 4-54-59, 4-28-40.
- Бухоро шаҳрида 5-76-64
- Жиззах шаҳрида 4-16-87
- Қарши шаҳрида 4-68-89, 4-41-64
- Наманган шаҳрида 4-36-34, 4-37-34
- Навоий шаҳрида 3-14-78, 3-16-84
- Тўлстон шаҳрида 2-41-76
- Самарқанд шаҳрида 35-03-17
- Термиз шаҳрида 4-95-60, 4-95-62
- Фарғона шаҳрида 2-12-92, 24-53-79
- Урганч шаҳрида 6-23-17, 6-41-05, 6-11-92
- Тошкент шаҳрида 44-53-54, 44-35-93  
41-78-40, 41-78-41

